

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У Қ М

2024 йил июль ойининг “22” куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди очик сайёр суд мажлисида, “Ғ.Аъзамов” маҳалла фуқаролар йиғини биносида

Раислик қилувчи: А.Нармухамедов,

Судья ёрдамчиси Д.Ражабовнинг котиблигида, тарафлардан - давлат айбловчиси, Тошкент вилояти Олмазор туман прокурорининг катта [REDACTED]. Баратов ва унинг ҳуқуқларини химоя қилувчи адвокати О [REDACTED] иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган Баратов Жамшид Дониёровичга оид 1-1008-2405/357-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1990 йил 13 январь куни Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, муқаддам судланган, жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 2023 йил 13 декабрдаги ҳукмига кўра, ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан айбли деб топилиб, 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги “...Амнистия тўғрисида”ги Қарори 7-бандининг “б” кичик бандига асосан жазонинг ўталмай қолган қисми тўртдан бирига қисқартирилган, жазони тўлиқ ўтаган, Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Дарё маҳалласи, Олтин бошоқ кўчаси, 1-уйда яшовчига нисбатан, иш бўйича “муносиб ҳуқуқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 10 июнь куни олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] л 26 февраль куни соат тахминан 22:00 да, Олмазор тумани, Эски шаҳар МФЙ, Озод кўчаси, 11-уйда бўла туриб, шу ерда бўлган ўзининг таниши К [REDACTED] [REDACTED] ҳақорат қилгани учун уни ортидан ушбу уйнинг иккинчи қаватига чиқиб, у ерда ўрталарида келиб чиққан жанжал натижасида, М [REDACTED] юз қисми



чап қош соҳасига қўлининг мушти билан бир маротаба уриб унга тан жароҳати етказган.

Суд тиббий экспертизасининг 05.03.2024 йилдаги №1303-Ҳ-Якуб-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] насида “чап қош соҳасида эзилиб-йиртилган (тикилган) яра” тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, бу тан жароҳати ўтмас қаттиқ жисм таъсирида етказилган бўлиши мумкинлиги, ушбу тан жароҳатлари соғлиқни қисқа, яъни 6 кундан кўп, аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга бузулишига олиб келиши, шу белгисига кўра оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузулишига олиб келадиган “ЕНГИЛ” тан жароҳатлари тоифасига киришлиги аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 24 февраль куни ишлаш мақсадида Тошкент шаҳрига келганлигини, шундан сўнг Олмазор тумани, Эски шаҳар МФЙ, Озод кўчаси, 11-уйга вақтинча ижарада яшаш учун жойлашганлигини, бу ерда иш топа олмай Чорсу бозорида мардикорчилик билан шуғулланганлигини, 2024 йил 26 февраль куни у соат 18:30 ларда ишдан қайтиб ижарада яшаш хонадонига келганлигини, шунда у ердаги ижарачилар Рустам, Мовжуда ва Машхуралар ҳовлида спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтиришганлигини кўрганлигини, шунадан сўнг у ҳам уларга қўшилиб спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини, шунда орадан бироз вақт ўтгандан сўнг соат 22:00 ларда уйга у ерда ижарада турувчи [REDACTED]

[REDACTED] иб ўтиб кетганлигини, шундан сўнг уни бундан жахли чиққанлигини ва [REDACTED] нинг орқасидан иккинчи қаватга чиқиб борганлигини, шунда

М [REDACTED] [REDACTED] уда маст ҳолатда эканлигини билганлигини, у ниманидир инграб гапирганлигини, Ж [REDACTED] гапларига тушунмаганлигини, шундан сўнг у [REDACTED] нинг чап томон қош соҳасига ўнг қўлининг мушти билан бир маротаба урганлигини, шунда [REDACTED] кўзини қўли билан ушлаб хонасига кириб кетганлигини, шундан сўнг у ҳам пастга тушиб кетганлигини, орадан бироз вақт ўтгандан сўнг [REDACTED] оиласи билан кўчага чиқиб қаергадур кетганлигини, шундан сўнг у ҳам ўз ижарадаги хонасига кириб кетганлигини, шундан сўнг орадан бироз вақт ўтгандан кейин уни ИИБлари ходимлари чақириб олиб кетишганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчидан кечирим сўрашини, оилавий аҳволини оғирлигини инобатга олиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Баратов Жамшид Дониёрович унга нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатувлар бериб ўтса-да, уни мазкур жиноятни содир этганликдаги айблари суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчининг қуйидаги кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топади.



Жумладан, жабрланувчи [REDACTED] мажлисида сўралганда, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 26 февраль куни эрталаб соат 07:30 ларда ишга чиқиб кетганлигини, шу куни 18:00 ларда ишдан чиқиб уйга қайтганлигини, шунда қайтаётганида уйи яқинидаги Шайхонтоҳур тумани “Тинчлик” метро бекати олдидаги спиртли ичимликлар дўконидан 200 грамм миқдорда ароқ спиртли ичимлигини ичиб, уйга қайтганлигини, уйга келгач турмуш ўртоғи Ф.А.Алимбекова онасини кўргани кетганлигини билганлигини, шунда у тухум қайнатиб овқатланганлигини, шунда қизи тухум қайнатгунича ухлаб қолганлигини, шундан сўнг у қизининг ёнида ухлаганлигини, соат 22:00 ларда қизи “дада, дада” деб чақираётганлигини эшитганлигини, шунда уйғониб кетганлигини, шундан сўнг у хонада Баратов Жамшид Дониёрович турганлигини кўрганлигини, сўнг Ж. [REDACTED] кўриб хонадан югуриб чиқиб кетганлигини, у жахл устида Ж. [REDACTED] г орқасидан югуриб чиқиб кетганлигини, сўнг у Ж.Баратовга ета олмаганлигини ва уйга қайтганлигини, шундан сўнг у хонасига кириб кетганлигини, биродан сўнг хонани эшигини кимдир очганлигини, у кимлигини кўра олмаганлигини ва эшикни ёп деб, эшикни тепганлигини, шундан сўнг у ташқарига чиқганлигини ва зинапоя олдида борганида у ерда Ж.Д.Баратов турганлигини кўрганлигини, шунда Ж.Д.Баратов қўлининг мушти билан бир маротаба юз соҳасининг чап қош қисмига уриб унга тан жароҳати етказганлигини, шундан сўнг у ерга турмуш ўртоғи Ф.А.Алимбекова етиб келганлигини ва турмуш ўртоғи билан биргаликда 1-сонли шаҳар шифохонасига борганлигини, у ерда унинг чап қош қисмини тикишганлигини, шундан сўнг турмуш ўртоғи Ф.А.Алимбекова ИИОларининг “102” ишонч рақамига кўнғироқ қилиб бўлган ҳолатни айтиб берганлигини билдириб, судланувчига нисбатан моддий даъвоси йўқлигини, лекин Ж.Баратовга нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўради.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи Ж.Баратовнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни жиноят иши ҳужжатларидаги билдирги (и.в. 6), ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва фотожадвал (и.в. 27-39), судга оид тиббий экспертизаси хулосаси (и.в.45-47), тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ исботини топади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Б. [REDACTED] нг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, ўзининг



соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида, “судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдорива хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги” ҳақида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1, 3-бандларида, “судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилна бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Суд, судланувчи Ж. [REDACTED] нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддаси талабларига риоя қилиб, юқорида кўрсатилган Пленум қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, Ж.Баратовни ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигинини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини, [REDACTED] и шахсини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бор деган хулосага келган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси



тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан [REDACTED] нг қамокда сақланган ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб ташлашни лозим деб топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л А Д И:

Б [REDACTED], Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин ва ушбу модда билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига мувофиқ [REDACTED] г 2024 йил 30 апрелдан 2024 йил 1 май кунига қадар 2 (икки) кун дастлабки қамокда сақланган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегириб ташлаб, ўташлик учун 11 (ўн бир) ой 24 (йигирма тўрт) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган жойларда ўташлик белгилансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазо муддати [REDACTED] ни жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кунидан ҳисоблансин.

Ҳукмни ижросини назорат қилиш Қашқадарё вилояти Яккабоғ туман ички ишлар бўлимига юклатилсин.

[REDACTED] нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кунидан эътиборан, судланувчи ҳамда жабрланувчи эса ҳукм нусхаси (ҳукмнинг кўчирмаси)ни олган кунидан бошлаб, ўн сутка ичида Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция шикоятни ёки апелляция протести келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

/имзо/

А.Нармухамедов

Аслига тўғри.



Ҳужжат имзоланган: Нармухамедов Абдулла Абдимажитович, 13.08.2024

